O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 2 февраль, чоршанба • № 10 (11.709) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши 1 февраль куни ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Мажлисда парламент қуйи палатаси қўмиталарининг раислари, сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг жамиятимизни янада демократлаштириш, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш стратегиясига асосланган қонунчилик ва назорат-таҳлил ишларининг устувор йўналишларини кўриб чиқдилар. Шу билан бирга қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳамда уларни турли семинарлар, йиғилишлар, давра суҳбатларида теран ва ҳар тарафлама муҳокама қилиб пухталаб олишда сиёсий партиялар парламент фракцияларининг фаол иштирок этиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб бориш зарурлигига ҳам мажлисда алоҳида урғу берилди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар парламент фракциялари ўз иш режаларини тузишда парламент палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган асосий устуворликлар ва вазифаларга таянишлари лозимлиги ҳақида қарор қабул қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг самарали ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови мазкур хизматда қўлга киритилган илғор тажрибани кенг тарғиб қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ»:

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

2004 йили бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган мазкур кўрик-танлов пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида якунига етди.

Унда сўзга чиққан ички ишлар вазири ўринбосари З.Бобокалонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ишлар фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, миллий ғурур ва халқимизга хос меҳр-мурувват туйғуларини ёшлар қалбига сингдириш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этди. Сиҳат-саломатлик йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди.

Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини саналган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, аҳоли билан ишлашга билим, тажриба, ақл-идроки етадиган жонкуяр инспекторлар бўлишига алоҳида эътибор қаратишга оид кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Айни пайтда жойларда уч минг тўрт юздан зиёд милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб икки ярим минги атрофида турли хил тўгарак, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилган.

Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда профилактика инспекторлари билан бирга маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Милиция таянч пунктларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Бундай ҳамкорлик самараси ўлароқ 2004 йилда мамлакатимиздаги қарийб 1 минг 600 маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Эски шаҳар» маҳалласидаги 190-милиция таянч пункти, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Деҳқончек» маҳалласидаги 171-милиция таянч пункти, Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳри «Ҳақиқат» маҳалласидаги 14-милиция таянч пункти, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри «Геолог» маҳалласидаги 21-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб милиция таянч пунктларига «Дамас» автомашиналари тақдим этилди.

«Жасоратли профилактика инспектори», «Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол профилактика инспектори», «Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича энг фаол профилактика инспектори», «Жиноятчиликка қарши курашда энг фаол маҳалла оқсоқоли» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«Истеъдод»чилар Германияда

Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг "Истеъдод" жамғармаси грантини қўлга киритган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Германиянинг Магдебург иқтисодиёт университетида ташкил этилган ҳамкорлик курсларида иштирок этишмоқда.

Ўзбекистонлик йигирма нафар профессор-ўқитувчи ва ёш илмий ходимлар учун Германиянинг мазкур билим даргоҳида иқтисодий йўналишлар бўйича ўқув стандартлари, ўқув дастурлари ва каталоглар билан танишиш, уларни таҳлил қилиш ва қиёслашдан иборат махсус дастур тайёрланган. Шунингдек, дастурда Германия олий ўқув юртлари моддий-техникавий базаси ҳамда таълим бериш даражаси билан яқиндан танишиш ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, "истеъдод"чилар келажакда талабалар ва ўқувчиларни ўқитиш шарт-шароитлари қандай бўлиши кераклиги юзасидан фикр алмашадилар, германиялик ўқитувчи-профессорларнинг иш услублари билан танишадилар ва дастурнинг кейинги босқичларида қайси йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганадилар.

«Жаҳон» АА.

СУРАТЛАРДА: тадбир иштирокчилари «Энг фаол маҳалла посбони» номинацияси бўйича ғолиб, Бўка тумани Қорақўйли маҳалласи посбони Салимжон Фозилов тайёрлаган кўргазма воситалари билан танишмоқдалар; С. Фозиловни тақдирлаш вақтида; пскентлик ички ишлар бўлими профилактика нозири, марҳум Маҳмуд Абдуллаевнинг турмуш ўртоғи, «Энг садоқатли аёл» наминацияси бўйича ғолиба Роҳатой Абдуллаева (ўнгдан биринчи).

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

КИМ ҚУВНОҒУ КИМ ЗУККО?

Ҳар йили олий ўқув юртлари талабалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Қувноқлар ва зукколар» ўйинларининг бу йилгисига ҳам тайёргарлик бошланди. Олий таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташкил этаётган ушбу мусобақаларнинг доираси, тарбиявий таъсири кенгайиб бормоқда.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси ҳам айни дамларда бу беллашувга қизғин тайёргарлик кўраяпти. 12 февраль куни мусобақаларнинг илк босқичи бўлиб ўтади. Унда Андижон Давлат университетининг «Универсал», Тошкент давлат II тиббиёт институтининг «Адраналин», «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Секрет-сервис» ҳамда Тошкент Давлат аграр университетининг «Янги юлдузлар» жамоалари баҳслашади.

«Талабалик — олтин даврим», «Яна нима дейсиз?», «Ҳамма билиши шарт эмас» каби шартлар бўйича бўлиб ўтадиган мусобақаларда вилоятимиз жамоаси ҳам иштирок этади.

Хуршида МЎМИНОВА.

КЕЧА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Оҳангарон шаҳрида маҳаллалар билан мактаблар маъмуриятлари биргаликда ёшларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш ишларига катта эътибор беришмоқда. Шу мақсадда кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Яқинда 5-мактабда шундай тадбирларнинг навбатдагиси ўтказилди. У «Ёшлар — Ватанимизнинг муносиб ворислари» мавзуига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Конституциясининг мазмун ва моҳиятини атрофлича тушунтириш ҳақида сўз борди. Шунингдек, «Оғусиз ҳаёт сари», «ОИТС — аср вабоси» мавзуларида кўргазма уюштирилди ва суҳбатлар бўлди.

Ўз мухбиримиз.

• Қарор ва ижро

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети 2005 йилги параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2005 йили юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига бирмунча ўзгартиришлар киритилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ўзгартиришлардан асосий мақсад мамлакатда амал қилаётган солиқ тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мос тарзда такомиллаштириб бориш ва энг муҳими, солиқ тўловчиларга имкони борича енгилликлар яратишдир.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЕНГИЛЛИКЛАР

Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига киритилган ва 2005 йил январидан кучга кирган ўзгартиришлардан бири шуки, истеъмол ҳамда болалар товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан белгиланган солиқ имтиёзлари беришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди. «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг 4-банди амал қилиш муддати 2008 йилнинг 1 январигача узайтирилди ва шунга мувофиқ ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинди.

Даромад (фойда) солиғи ставкаси 2004 йилда амалда бўлган 18 фоиз ўрнига 15 фоиз миқдорида белгиланди. Устав фондида хорижий сармоянинг улуши 50 фоиз ва ундан кўп бўлган, устав фондининг ҳажми 1 миллион АҚШ долларига қадар миқдорда эквивалент бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, устав фондида хорижий сармоянинг улуши устав фондининг ҳажми 1 миллион АҚШ долларига эквивалент ва ундан юқори бўлганда 50 фоизга тенг ва ундан кўп бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ҳам даромад (фойда) солиғини белгиланган ставка, яъни 15 фоиз юзасидан тўлайди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими қўлланиладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун «айрим хўжалик субъектлари учун ягона солиқ»нинг 2004 йилда амал қилган ставкалари сақланади. Саноат ва қурилиш соҳалари, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари учун 2005 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ ставкаси ялпи тушумнинг 12 фоизи миқдорида белгиланди. Ягона солиққа тортиш объектларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ялпи тушум таркибига солиққа тортиш объекти сифатида илгари амалда бўлган «сотилган молмулк ва бошқа активлар қиймати» объекти ўрнига «бошқа сотишдан даромадлар» кўзда тутилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғининг 2004 йилда белгиланган амалдаги ставкалари сақлаб қолинди. Бунда асосий фаолият тури билан бир қаторда улгуржи ёки чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва савдо корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашлари, шунингдек, белгиланган тартибда улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасига эга бўлишлари лозим. Юридик шахслар ўз балансидаги фирма дўконига эга бўлган саноат корхонаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини шу дўкон орқали сотганда, маҳсулотларнинг чакана савдосидан келган тушум корхонанинг ялпи даромади таркибида ҳисобга олинади ва корхонанинг тоифасига кўра ягона солиққа (агар у кичик бўлса) ёки даромад (фойда) солиғи ва бошқа солиқларга (агар корхона солиққа тортишнинг умумбелгиланган тизими тўловчиси бўлса) тортилади. Бунда ушбу тушумнинг алоҳида ҳисоби юритилмайди.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари 2004 йил даражасида сақлаб қолинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорининг 2-бандига мувофиқ амалдаги ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган (бюджетга тўланадиган) солиқ суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ва пенсия ҳисоб рақамларига йўналтириладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар (ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида) суммасига камайтирилади. Аммо, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига киритилмайдиган даромадлар ҳам назарда тутилган. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баробари миқдорида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминот нафақалари, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, шунингдек, хайрия ва экология жамғармалари томонидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар шулар жумласига киради. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати ҳам солиқ солинадиган даромадга киритилмайдиган бўлди.

Аҳолига сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича кўрсатиладиган коммунал хизматларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл юкларини ташиш (транслансларида турувчи фирма дўконлари орқали ўз маҳсулотларини сотишдан ҳам солиқ тўловчиларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар.

Масалан, ўз балансидаги

(Давоми 2-бетда).

АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, иқтисодий билимларини шакллантиришга хизмат қилувчи анжуманларни ўтказиш ўзига хос анъана тусини олмоқда.

Ана шундай тадбирнинг навбатдагиси куни кеча Тошкент туманида ўтказилди. Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан икки кунлик ўқув-машғулот тарзида ташкил этилган анжуманда асосан қишлоқ фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи аёллар иштирок этмоқдалар.

Унда сўз олган нотиқлар аёлларнинг жамиятда тутган ўрни беқиёс эканлигини эътироф этиб, уларнинг ҳар жабҳадаги ўрни ва мавқеини ошириш, айниқса, тадбиркор аёлларга соҳага оид кўп қиррали билимлар ҳақида атрофлича тушунча бериш ва шу тариқа хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий майдондаги фаоллигини кучайтириш жамият тараққиётида муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидладилар. Одамлар орасида, маҳаллакўй ичида обрў-эътибор қозониш, ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини топиш кўп жиҳатдан ҳар бир аёлнинг ўзига боғлиқлиги борасида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.



Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: ўқув-машғулотдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

● Қарор ва ижро

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЕНГИЛЛИКЛАР

зит)га оид хизматларга қўшилган қиймат солиғи бўйича «0» ставкаси жорий этилди. Бунгача эса, юқорида айтилган хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган эди.

Республикада ишлаб чиқариладиган ўсимлик (пахта) ёғи, озиқ-овқат ёғи (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёғдан ташқари), техник мой, тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қатъий белгиланган ставкалар жорий этилди. Атирсовун, гуруч-ёрма, гилам, нефть ва газ конденсатига акциз солиғи бекор қилинди. 2004 йилда амал қилган табиий газга доир акциз солиғи ставкаси 19 фоизга қадар пасайтирилди.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун (Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари бундан мустасно) ягона ер солиғи тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди. Бунда 2004 йилда амал қилган солиқ ставкалари 1,3 баробар индексацияланди. Хусусан, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун (тажрибани давом эттириш доирасида) ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ерларнинг норматив қийматидан келиб чиқиб 1 фоиз ставкаси бўйича амалга оширилади. Ҳар бир хўжалик бўйича ерларнинг норматив қиймати Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан белгиланади ва ҳар бир тўловчига 1 апрелга қадар хабар етказилади. Шу муносабат билан тўловчилар ягона ер солиғи ҳисоб-китобини солиқ хизмати идораларига 1 майгача тақдим этадилар.

Ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар ва ажратмаларнинг ягона ижтимоий тўлов ставкаси 33 фоиздан 31 фоизга туширилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш (товар айланмаси) ҳажмидан (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) 0,7 фоиз миқдорида мажбурий ажратмалар ставкаси, бюджетдан пенсия жамғармасига фуқароларнинг иш ҳақидан 2,5 фоиз миқдорида мажбурий суғурта бадаллари ставкаси сақлаб қолинди.

Мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари, ташкилот ва муассасалари ҳар йили 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган Асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ қайта баҳолайди.

Ҳозирги вақтда давлат солиқ хизмати идоралари юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартиб-қоидаларига киритилган асосий ўзгаришларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиш мақсадида тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Хусусан, республика давлат солиқ қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга фаолият турларига қараб 2005 йил учун солиқ ставкаларини белгилаш юзасидан вилоят молия бошқармасига таклифлар киритди. Бунда 2004 йил давомида тадбиркорлардан, ҳудудий солиқ идораларидан тушган таклифлар ва улар томонидан ўтказилган таҳлиллар натижалари алоҳида эътиборга олинди. Жумладан, вилоятларнинг иқтисодий шароитлари, инфратузилмалари қай даражада шаклланганлиги, пойтахт ва бошқа шаҳарларга яқинлиги ҳисобга олинган ҳолда ставкалар белгиланди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун яна бир янгилик шуки, илгари бошқа-бошқа туман ёки шаҳарда рўйхатдан ўтиб, бир жойда фаолият юритган бўлсалар ҳар хил ставка бўйича солиқ тўлардилар. Бу йилдан бошлаб эса, ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудуд учун белгиланган ставка асосида яшаш жойларидаги солиқ идораларига тўлайдилар. Масалан, айтайлик, Тошкент шаҳрида савдо билан шуғулланаётган икки фуқародан бири Янгийўл шаҳрида, иккинчиси Янгийўл туманида рўйхатдан ўтган бўлиб, шаҳарлик тадбиркор 65 минг 300 сўм, туманлик тадбиркор эса 39 минг 180 сўм миқдорида ойлик солиқ тўлаб келган бўлсалар, энди Тошкент шаҳри учун белгиланган ставка бўйича бир хил солиқ тўлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиқлари, аҳолидан ундириладиган молмулк ва ер солиқлари тўлалигича маҳаллий бюджетга ўтказилиб, пенсия, нафақа, бюджет ташкилотлари ходимлари маошлари ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдамни қоплашга сарфланади. Шунинг учун ҳар бир солиқ тўловчи солиқчиларнинг «эшик қоқиб» келишларини кутиб юрмай, ўзлари учун белгиланган солиқларни вақтида тўлаб борсалар, пенсионер, нафақахўр ва кам таъминланган оилаларнинг ўз пуллари вақтида ва тўлиқ олиб туришларига ёрдам берган бўладилар.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлимлари солиқ қонунчилигида 2005 йилдан амал қиладиган асосий ўзгаришларни кенг тушунтириш мақсадида солиқ тўловчилар иштирокида ўқув-машғулот ва суҳбатлар ўтказди. Ушбу тадбирларда қатнаша олмаган солиқ тўловчилар вилоят давлат солиқ бошқармасининг 137-60-03 рақамли «Ишонч» телефони ёки аҳолидан ундириладиган солиқлар бўйича 137-61-45 ва юридик шахслардан ундириладиган солиқлар бўйича 137-61-47 телефон рақамлари орқали мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари, шунингдек, солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг ставкалари ва тўлаш муддатларини ўзгартиришга оид фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этишлари мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Барака»нинг самараси

Ўтган йили «Барака» универсал лизинг компанияси томонидан қиймати салкам олти юз эллик миллион сўмлик йигирма беш лойиҳа молиялаштирилди. Бу 2003 йилдагидан йигирма беш фоиз кўп демакдир.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалиги машиналари, озиқ-овқат, полиграфия, тиббиётда кенг қўлланадиган замонавий технологик линия ва ускуна-жиҳозлар, шунингдек, юк ва йўловчи ташиш транспорти воситалари қулай шартлар асосида етказиб берилди. Низом жамғармаси бир ярим миллиард сўм бўлган муассаса лойиҳаларига айниқса, Фарғона, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ва пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари катта қизиқиш билдирмоқда.

«Баркамол авлод — 2005»

МЕЗБОНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

«Баркамол авлод-2005» спорт мусобақаларининг республика босқичини ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш учун вилоятимизда кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Айниқса, мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари тантанали суратда ўтказиладиган Чирчиқ шаҳрида буни ҳар қадамда ҳис қилиш мумкин.

«Олмос» ўйингоҳида ҳозирлик ишлари куну тун тўхтамаяпти. Чунки у «Баркамол авлод-2005» иштирокчилари учун асосий беллашув майдони бўлади. Ҳозирги кунгача 17 гектар майдонни эгаллаган ўйингоҳ ҳудудида кўркам, замонавий Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежи қад ростлади. 450 ўринли ушбу коллежда ётоқхона, компьютер, тажрибахона, ошхона ҳам тўлиқ фойдаланишга топширилди. Айни вақтда ўқиш ҳам бир маромда давом этмоқда.

Бош ўйингоҳга 2 миллиард 280 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш ишларининг 85-90 фоизи бажарилди. 13 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира олувчи ўйингоҳга чим ётқизилган бўлиб, машъала мосламасини қуриш бошлаб юборилди. Кунлар исий бошлагач эса, Германиянинг «Политан» фирмаси ишлаб чиқараётган сунъий гиламлар, яъни югуриш йўлкачалари ўрнатилади.

Спорт мажмуаси нафақат Чирчиқ, балки вилоят, ҳатто республикамиз учун янги иншоот сифатида эътироф этилаяпти. 108х48 метр ҳажмдаги ушбу масканда бир вақтнинг ўзида спортнинг 22 тури билан бемалол шуғулланиш мумкин. Бу ерда 6 та теннис корти, ёзги спорт мажмуи, баскетбол, волейбол майдончалари бунёд этилди.

65 ўринли меҳмонхона футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар учун тахт қилиб қўйилди. Унда мажлислар зали, ечиниш-кийиниш хоналари, сауна, шифокор хонаси мавжуд. Битта 25 метрли ёпиқ ҳамда 150 метрли 2 та очиқ сузиш ҳавзалари қурилиши давом этяапти.

Мусобақаларда қатнашувчи спортчиларни ётоқхона билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Режага кўра, Чирчиқдаги «Бўстон» сиҳатгоҳига 476 (енгил ва оғир атлети), Чирчиқ олимпия заҳиралари спорт коллежига 266 (сузувчи), Чирчиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежига 56 нафар (бадиий гимнастика) спортчи жойлаштирилади. Чорвоқ оромгоҳи эса 350 нафар шахматчи ва футболчини, «Олтин олма» оромгоҳи 84 нафар стол теннниси усталарини, Бекобод металлургия комбинати ишлаб чиқариш бирлашмаси оромгоҳи 140 нафар спортчини ўз бағрига олади. Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежида 126 нафар (белбоғли кураш), Янгийўл шаҳар академик лицейида 168 нафар (волейболчи-қизлар), Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида 168 нафар (волейболчи-ўғил болалар), Тошкент Давлат аграр университетида 168 нафар (миллий кураш) спортчига жой ҳозирланяпти. Шунингдек, Олмалиқ шаҳрига жами 196 нафар, Тошкент туманига 168 та, Қибрай туманига 700 нафар спортчи жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Хуршида НАЗАРОВА.

ИСТЕЪДОД МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАДИ

Далварзин касб-ҳунар коллежида таълим жараёнлари чуқурлаштирилган дастур ва қатъий талаблар асосида олиб борилаётганлиги сабабли, талабалар дунёқараши ва интеллектуал салоҳиятини оширишда юқори натижаларга эришилмоқда.

Масалан, йил бошида ўтказилган фан олимпиадаларида коллеж ўқувчилари биринчи ва иккинчи босқичларда ғолибликни қўлга киритиб, кейинги турларга йўлланма олдилар. Ундан ташқари туман миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ҳам далварзинлик талабаларнинг қўллари баланд келди.

— Талабаларимиз «Баркамол авлод — 2005» мусобақалари саралаш баҳсларида волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат бўйича иккинчи босқичдан ҳам муваффақиятли ўтдилар, — дейди коллеж директори Нурали Жалилов. — Ҳозир ёшларимиз кейинги баҳсларга астойдил тайёргарлик кўришмоқда.

— Коллежимизда 8 та мутахассислик бўйича 873 нафар талаба таълим олади, — дейди талабалар устози Ҳакима Абдураззоқова. — Ҳар бирида қайсидир соҳага интилиш ва шунга яраша иқтидор бор. Биз уларни ўз ҳоҳишларига қараб йўналтирамиз ва таълим-тарбия берамиз.

Истардикки, бизнинг талабаларимиз ҳам вилоят терма жамоаси таркибида «Баркамол авлод — 2005» мусобақаларининг республика босқичида иштирок этсалар ва совринли ўринларни эгалласалар.

***СУРАТДА:** коллеж талабалари мусобақа олдидан маслаҳатлашмоқдалар.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

● 2005 йил — Сиҳат саломатлик йили

Зангиота тумани соғлиқни сақлаш бўлими қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифати ҳамда аҳоли саломатлигини ошириш йўлида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жойларда қишлоқ шифокорлик пунктларини ташкил этиш ва уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

ҚИШЛОҚДА АМБУЛАТОРИЯ

Бу йил туманнинг бир неча қишлоқларида ана шундай пунктлар ишини йўлга қўйиш режалаштирилган. Жумладан, Хонобод қишлоғидаги эски шифокорлик амбулаторияси яроқсиз аҳволга келиб қолганлиги ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги сабабли унинг ўрнида янги, икки қаватли замонавий қишлоқ шифокорлик пункти биноси қурилиши режалаштирилган. Қурилиш ишларини яқин кунларда бошлаб, йил охиригача тугатиш мўлжалланган.

Равшан РУСТАМОВ.

Вирусли гепатитни «сариқ касаллиги» деб ҳам аташади. Чунки, бу касалликка учраган кишининг азойи бадани, кўзларининг ичи сарғайиб кетади.

КЎЗ ИЧИ САРҒАЙГАНДА

Бу касалликнинг А, Б, С турлари бор. Шундан «А» турининг аломатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. У асосан атроф-муҳитдан юқади. Инкубацион даври 7 кундан 35 кунгача бўлиб, тана ҳарорати 38-39 даражагача кўтарилади. Бурун оқиб, киши ҳолсизланади. Иштаха бўғилиб, ўнг биқин пастга тортиб оғрийди.Тери ва шиллиқ қаватлар сарғиш тусга кириб, сийдик аччиқ чой рангига киради.

Минг афсуски, кўпинча касалликни анча ўтказиб юбориб, шифокорга кеч учрашишади. Бу эса кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Аслида касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Шунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш керак. Вирусли гепатитнинг аломатлари аниқланиши билан беморни атрофдаги одамлардан, айниқса, ёш болалар ва ҳомиладор аёллардан алоҳида ажратиб қўйиш керак. Ота-оналар эса фарзандларида касаллик аломатларини сезганлари заҳотиёқ ўтиб кетади, деб вақтни чўзмасдан дарҳол шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Аввало оиладаги ҳар бир кишининг шахсий гигиена буюмлари алоҳида бўлиши керак.

Ишда, жамоат транспортларида юриб, уйга келгандан кейин қўлларни совунлаб ювиш лозим. Вирусли гепатит билан оғриган беморлар шифокор тайинлаган муддатгача қатъий парҳезда бўлишлари керак. Унга риоя қилмаслик жигарнинг сурункали хасталанишига олиб келади.

Соғлигинг — бойлигинг, деганларидек, саломатлигимиз ўз қўлимизда эканини унутмайлик.

М. ЭРГАШЕВА,
республика Саломатлик институти Тошкент вилояти филиалининг директори.

КАСАЛНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Яқинда Пскент тумани марказий шифохонасига бир бемор келтирилди. Аҳволи жуда оғир бўлиб, беҳуш ётарди. Шифокорлар маслаҳатлашиб, уни жонлантириш бўлимига жойлаштирдилар. Беморни тиббий кўрикдан ўтказганларида, уни инфаркт, яъни юрак хуружи тутганлиги аниқланди. Зарур муолажалар белгиланиб, даволаш ишлари зудлик билан бошланди. Уч кун деганда беморнинг аҳволи яхши томонга ўзгарди.

— Ҳар доим ҳам биз — шифокорларнинг бундай саъй-ҳаракатларимиз муваффақиятли чиқавермайди, — дейди туман бош шифокори Муҳаббат Қодирова. — Баъзан, тиббий муолажаларни беморларнинг талаблари даражасида ташкиллаштиришнинг имкони бўлмайди, гоҳида эса, бемор дардига малҳам бўлиш учун керакли шароит топилмайди. Шундай пайтларда уларни вилоят шифохоналарига юборишга мажбур бўламиз.

Бундай ҳолатларни камайтириш ва беморларни шу ернинг ўзида даволашни ташкил этиш мақсадида 2004 йил давомида туман соғлиқни сақлаш бўлими томонидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, 280 ўринли марказий шифохона қошида болалар бўлими ташкил этилди. 6 ўринли жонлантириш, 50 нафар беморга мўлжалланган терапия ҳамда бир йўла 20 беморга хизмат кўрсатиш қувватига эга тез тиббий ёрдам бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўтган йили «Дўстлик» ширкат хўжалигида қишлоқ шифокорлик пункти очилди. Бундан ташқари, тумандаги қишлоқ шифокорлик пунктлари учун қарийб 17 миллион сўмликдан зиёд янги тиббий асбоб-ускуналар ҳарид қилинди.

— 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши бизнинг зиммамизга масъулиятли вазифаларни юклайди, — дейди М. Қодирова. — Асосий масъулият хасталикни даволаш эмас, унинг олдини олишдир. Бунда айниқса, тарғибот ва ташвиқот ишларининг ўрни катта. Шу мақсадда йил бошидан аҳоли ўртасида турли касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ва олдини олиш чора-тадбирлари хусусида тушунтириш ишларини бошлаб юбордик. Оналар ва болалар ўртасидаги хасталикларни камайтириш ва ёш қизларда камқонликнинг олдини олишга қаратилган махсус режа ишлаб чиққанмиз. Ҳозир ана шу аниқ мақсадларимизни изчил амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

***СУРАТДА:** туман марказий шифохонаси жонлантириш бўлими бошлиғи Мамадали Усмонов ва ҳамшира Насиба Холиқуловалар беморни кўздан кечирмоқдалар.*

Даврон АҲМАД олган сурат.



Республика Миллий матбуот марказида таниқли ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг "Ҳаёт — абад васил айёмидир" деб номланган янги китобининг тақдимоти ўтказилди.

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

— Жонрид Абдуллахонов ўз ижодини 12 ёшидан буён радио ўчоғида тоблаб, тарбиялаб, камолга эришган инсонлардан бири ҳисобланади, — деди Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — У киши радио тавсияси билан университетда таҳсил олди. Москвадаги олий адабиёт курсини тугатди. Радиодаги фаолиятини оддий мухбирликдан бошлаб, адабий драматик эшиттиришлар таҳририятининг бош муҳаррири даражасигача кўтарилди. Шунингдек, Ўзбекистон телевидениесини ташкил этишда фаол иштирок этди. Қатор ҳикоялар ва шеърий тўпламлари билан элга танилди.

Мазкур китоб Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг тараққиёти, икки маънавият даргоҳининг солномасини яратган фидойи инсонлар ва уларнинг фаолиятларини давом эттираётган шогирдлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг бутун умри шу икки даргоҳда ўтганлиги боис қаламга олинган мавзулар тўлақонли ва ҳаяжон билан ўқилади. Бевосита радио ва телевидение етиштириб воягa етказган атоқли арбоблар сиймоси кўз олдингизда гавдаланади. Тақдимот иштирокчилари китобдаги радио ва телевидение фидойилари ҳақида таъриф топган ҳар бир лавҳа ва ҳикоялар ўша романтик йилларни бир умрга эсга солиб турувчи муқаддас ҳайкалдир, унинг қиммати ҳам ана шунда, дея эътироф этишди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс».

● Яхши анъаналар

Эркин Абдуллаев — Оҳангарон шифер ҳиссадорлик жамиятида каттаю кичиккнинг ҳурматини қозонган ишчилардан бири. Кўп йиллар давомидаги ҳалол меҳнати, ўз вазифасига масъулият билан ёндошиши, ҳар бир ишни маромига етказиб бажариш унга шундай иззат-икром келтирди.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Мана, қадрдон корхонага, унинг тили билан айтганда, иккинчи уйи бағрига илк қадам қўйганига ҳам 40 йил бўлибди. Бу даврда у шарафли, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган катта меҳнат йўлини босиб ўтди. Моҳир ишчигина бўлиб қолмай, илғор иш усулларини корхонага янги келган ёшларга қунт билан ўргатди. Мураббийлик ҳаракатида фаол қатнашди. Ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги шу корхонада устозлари қаторида меҳнат қилиб, мураббийларининг юзини ерга қаратмаяптилар.

Тажрибали ишчи ўзининг оила аъзоларида ҳам ўз касбига меҳр уйғотган. У бошчилигидаги бутун бир ишчилар сулоласи ташкил топди. Қизи, келини ва ўғли ота йўлидан бормоқдалар. Улар ишлаб чиқариш илғорлари сифатида сулола шуҳратини оширишга ҳисса қўшишяпти.

Сулола бошлиғи кейинги пайтларда нафақага чиқиш фикрига тушиб қолди. Оила аъзоларининг энди кексалик гаштини суришга даъват этишлари ҳам бунга сабаб бўлди. У бола-чақасидан қутилган, ҳаммаси уйли-жойли, топармон-тутармон бўлишган, ўз ҳаёт йўлларини топиб олишган. Обдон ўйлаб шундай хулосага келгач, корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Озод Хушназаров ҳузурига кириб, муддаосини айтди.

— Буни сиздан кутмаган эдим, Эркин ака, — деди раис. — Ҳали бақувватсиз, бемалол ишлайверсангиз бўлади-ку. Ёки бирор нарсадан хафа бўлдингизми?

— Йўқ, ўзим шундай хулосага келдим. Бу ерда ишлаб кам бўлмадим. Энди кексалик гаштини невара-чеваралар, ошна-оғайнилар даврасида ўтказсам, дейман.

— Ниятингиз шундай бўлса, начора. Майли, сизни нафақага узатамиз, лекин бу ишни имида-жимида эмас тантанали ўтказамиз. Ҳозир нафақага чиқиш истагини билдирган ишчи-хизматчиларнинг рўйхатини тузаяпмиз. Корхона маъмурияти билан келишиб, бу тадбирни ташкил этишни режалаштириб қўйдик...

Орадан кўп вақт ўтмай, кекса шиферчиларни нафақага узатишга бағишланган тантанали кеча уюштирилди. Давранинг тўрида Эркин Убайдуллаев ва унинг нафақага узатилаётган сафдошлари ўтиришарди. Корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотлари вакиллари уларни табриклар эканлар, узоқ йиллар давомида ишлаб, корхонанинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганликлари учун миннатдорчилик билдирдилар, эзгу тилаклар тиладилар. Шу тантанада 48 нафар ишчи-хизматчи нафақага кузатилди. Улар орасида корхона, унинг турли бўлинмаларида ярим асрга яқин фидокорона меҳнат қилиб келган ишчилардан Дадажон Нишонов, Нишонгул Абдураимова, Исомиддин Топилов, Иброҳим Нишонов, Ҳамид Норбоев ва бошқалар бор эди. Маросимга илгари пенсияга чиққан фахрийлар ҳам таклиф этилди. Уларнинг ҳар бирига каттагина миқдорда пул мукофотлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Кечада ноз-неъматларга тўла катта дастурхон ёзилди. Таомлар тортилди. Санъаткорлар даврага файз киритдилар. Дилкаш суҳбатлар алламаҳалгача давом этди.

Корхонада кекса ишчи-хизматчиларни пенсияга узатиш маросими ҳар йили шундай такрорланади.

— Корхонамиз шуҳратини ҳатто халқаро миқёсда ҳам таратишга муносиб ҳисса қўшган фахрийларимизни ардоқлаш ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблаймиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси. — Қирчиллама йигитлик чоғидан жамоамиз сафига қўшилиб, уни қийин шароитларга тушиб қолганида ҳам тарк этмаган, муваффақиятларига ва бугунги нуфузига муносиб улуш қўшганларни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Уларнинг бир умр эсларида қоладиган бу тадбир жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг бир кўринишидир. Қарилик гаштини суришга узатилган нафақахўр ишчи-хизматчиларимизни корхонада уюштириладиган тантаналарга доим таклиф қилиб, давранинг тўридан жой берамиз.

Собир ҲАМИДОВ.

ЁШЛАР

БЕЛЛАШДИЛАР

Янгийўл шаҳридаги тиббиёт коллежида анъанавий тус олган «Замона ёшлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги академик лицей, тиббиёт ҳамда иқтисодиёт-технология коллежи талабалари белгиланган шартлар бўйича қизғин баҳсга киришдилар.

Танловда ёшларнинг умумий интеллектуал даражаси, маълум соҳаларга йўналган иқтидори, адабиёт ва санъат борасидаги қобилияти, зукколиги, эгаллаётган мутахассислигига оид билимлари атрофлича синовдан ўтказилди. Натижаларга кўра, шаҳардаги иқтисодиёт-технология коллежи талабалари ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичи иштирокчисига айландилар.

Шерали ҒАЙРАТОВ.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун семинар бўлиб ўтди. У «Атроф-муҳит ҳақида ёзамиз» лойиҳаси доирасида ушбу қўмита ҳамда «Правда Востока» газетаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

«Ўзбекистонда халқаро экологик лойиҳалар» деб номланган бу тадбирда Умумжаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, технология ҳамкорлиги бўйича Германия жамияти, Марказий Осиё экологик ҳудудий маркази, Ёввойи табиат бутунжаҳон жамғармаси каби қатор халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларнинг мақсади, асосий ғояси Орол денгизини сақлаб қолиш, Ғарбий Тянь-Шань табиатининг биохилма-хиллигини асраш, глобал экологик конвенцияларни бажариш бўйича давлатларнинг салоҳиятини ўзаро баҳолаш, турли мамлакатларни об-ҳаво ўзгарувчанлиги бўйича ўрганишдир.

Семинарда таъкидланишича, оддий фуқароларни ушбу лойиҳа ва дастурларнинг моҳияти билан таништириш ғоят муҳимдир. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Журналистлар экология ва атроф-муҳитнинг ҳозирги аҳволи, уни асраб-авайлаш муаммолари ҳақида ёзганда ҳар бир рақам ва маълумотга эътиборли бўлишлари зарур. Ўзлари тайёрлаган мақола, кўрсатув, эшиттириш орқали ҳам бу жараёнга катта ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Семинарда мутахассислар томонидан қайси мавзулар айниқса, долзарб эканлиги, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш лозимлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Учрашув якунида «Орол — менинг тақдирим» ҳамда «Оҳангаронга журналистларнинг экспедицияси» номли видеофильмлар намойиш этилди.

Гулчеҳра МЎМИНОВА.

НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари ва лицей ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган олимпиадасининг вилоят босқичи якунланди.

Ушбу интеллектуал баҳсларни ўтказишдан мақсад Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси йўлида иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, халқаро олимпиадаларга тайёрлашдан иборатдир.

Ангрен шаҳрида ўтказилган мазкур олимпиадада 320 нафар ўқувчи иштирок этди. Баҳсларда ўн олти ўқувчи бир қатор йўналишларда биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди.

Отабек РУСТАМЖОНОВ.

ШАЙ ҲОЛАТГА КЕЛТИРИЛДИ

Бўка туманидаги «Ачамайли» ширкат хўжалиги аъзолари кўкламги деҳқончилик мавсумига пухта тайёргарлик кўриш баробарида мавжуд техникаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратдилар.

Хўжалик тасарруфидаги 14 та трактор, шу жумладан, 5 та ҳайдов ва К-700 русумли тракторлар, ҳамда ўнлаб агротехник ускуналар янги мавсумга шай ҳолга келтирилиб, техникалар сақланадиган махсус бостирмаларга териб қўйилди.

Техникани созлашда Ғойибназар Саидғаниев, Зокир Турдиев, Хусниддин Қодиров каби бир гуруҳ таъмирловчи ва механизаторларнинг ҳиссалари катта бўлди.



СУРАТЛАРДА: хўжаликдаги техника воситалари сақланадиган махсус жойнинг умумий кўриниши; мутахассислар созланган ускуналарни яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

● *Қишлоқ мулкдорлари*

ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ ДАВЛАТ

Ҳар қандай ишнинг бошидан пухта бўлгани маъқул. Иш олға босиб, ривожланиб, якун ва самараси ҳам салмоқли бўлиб бораверади, атрофдагилар, яъни эл-юрт ва жамиятга ҳам нафи ортаверади.

Бу гап қишлоқ хўжалигига ҳам бевосита тааллуқли. Айтайлик, ер ҳақиқий эгасининг, яъни устасининг қўлига тушса, бойлик, фаровонлик манбаи эканлигини амалда намоён этади, эгасини бойитади, эл-юртни ҳам ризқли қилади.

«Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деганларидек, 1994 йили 9 гектар экин майдони ҳақиқий эгаси, яъни чорвачилигу деҳқончиликнинг ҳадисини олган, энг муҳими меҳнат ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган Жўра Маҳаматовнинг қўлига тегди-ю, эндиликда «Роҳатой» номи билан танилган фермер хўжалигига асос солинди. Ака-ука Маҳаматовлар тўрт киши бўлиб, 30 бош қорамолни парваришлашга 9 гектар ерда деҳқончилик қилишга дадил киришдилар.

Эътироф этиш керакки, республикамизда фермерчилик ҳаракати эндигина шакллана бошлаган ўша пайтда ва айниқса, сабзавоткор туманда шунча мол ва ерни фақат оила аъзолари билан эплашнинг ўзи бўлмасди. Аммо Жўра Маҳаматов буни эплади. Шундай дейишга етарли асос бор.

Фермер хўжалиги иш бошлаганидан сўнг орадан икки йил ўтар-ўтмас, яъни 1996 йилда тумандаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси хусусийлаштириладиган, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кимошди савдосига қўйиб сотиладиган бўлди. Табиийки, ўша кезларда бундай янгича савдолар авж олгани боис харидорлар ҳам кўп эди. Бироқ, бу сафар ферма ҳақиқий эгасини топди. Жўра Маҳаматов ютиб чиқди. Бу бежиз эмасди. У ташкил этган янги фермер хўжалиги икки йил ичидаёқ ўз салоҳиятини ҳар жиҳатдан намоён этишга улгурганди. Юқорида «Шундай дейишга етарли асос бор» деганимизнинг боиси шу.

Шундан кейинги йиллар «Роҳатой» учун тез ва изчил ривожланиш, иқтисодий юксалиш даври бўлди. Энг муҳими — фермер хўжалигида йил сайин мол туёғи кўпайиб ва экин майдонлари кенгайиб, маҳсулот ҳажми ортиб борди. Буни кейинги тўрт йил ичида эришилган натижаларни акс эттирувчи рақамларда кўриш мумкин.

2001 йилда 21 тонна гўшт, 409 тонна сут етиштирилди. Умумий даромад 55 миллион 109 минг сўм бўлди. Шундан 12 миллион 317 минг сўми соф фойда.

Кейинги йили гўшт 2 тоннага, сут 7 тоннага кўпайиб, умумий даромад 84 миллион 740 минг сўмга чиқди.

Тўғри, кейинги икки йил давомида сут етиштириш бироз камайди. Аммо гўшт кўпайгани ҳисобига соф даромад 20 миллион сўмга чиқди. Масалан, гўшт 2001 йилдагига нисбатан икки баробар ортиб, 42 тоннага етди.

Рақамлар ўжар бўлади деган иборанинг маъноси шуки, улар қуруқ мақтовга, айниқса, ёлғонга изн бермайди. 2001-2004 йиллар ривожланиш, иқтисодий юксалиш даври бўлди деганимизнинг яна бир исботи сифатида далил келтирадиган бўлсак, жамоа хўжалигининг фермаси кимошди савдоси орқали сотиб олинганда 381 бош мол бор бўлса, ҳозир 550 бошга етди. Шундан 141 боши сигирлар. Ўша пайтда 42 киши ишлаган бўлса, бугунги кунга келиб, фермер хўжалиги аъзолари 80 кишига етди. Энди улар 125 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Демак, фермер фақат ўзини ёки оиласини эмас, атрофдагиларни ҳам ўйлаяпти. Иложи борича кўпроқ иш ўринларини ташкил этиш, тайинли иш тополмай юрганларни муқим даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида хўжалик фаолиятини имкон қадар кенгайтириб боришга ҳаракат қилаяпти.

Тўғри, кўпчиликни иш билан таъминлаш учун мол туёғини кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, ҳамма ишни қўл кучи билан бажариб, юқори натижага эришиш қийин. Бинобарин, зарур техника воситалари ҳам етарли бўлиши лозим. Айниқса, фермер хўжалиги, қайси соҳага ихтисослашган бўлмасин, техникасиз ҳеч нарсага эришолмайди. Буни яхши тушунган Жўра Маҳаматов ўтган йиллар давомида шахсий техника базасини мустаҳкамлаб боришга астойдил ҳаракат қилди. Ана шу изланишу интилишлар бесамар кетмади.

Эндиликда фермер хўжалиги ўзининг иккита ДТ-75 ҳайдов трактори, учта МТЗ-80 трактори, иккита Т-28-ХЧ чопиқ трактори ва бешта юк машинасига эга. Бундан ташқари тупроқ суриш, ариқ қазиш каби юмушларни бажарадиган махсус РОМЗ-5Л русумли трактори ҳам бор. Хуллас, четдан ёрдамга деярли мухтож эмас.

Жамоа аъзоларини моддий рағбатлантириш ҳам ўзига хос тарзда йўлга қўйилган. Мана бир мисол. Ҳар йил якунида чорвачиликда эришилган натижалар сарҳисоб қилинади. Боқимидаги бўрдоқиларни мўлжалга етказиб семиртирган, сигирлардан кўп ва соғлом бузоқ олган, энг муҳими йил давомида талофотга йўл қўймаган молбоқарларга битта бузоқ бепул, яъни мукофот тариқасида берилади. Шу тариқа 2003 йилда 7 та, 2004 йилда 9 та бузоқ тарқатилди.

«Роҳатой» — туманда амалга ошириладиган хайрия тадбирларида энг фаол қатнашадиган фермер хўжаликларидан бири. Йил давомида уюштириб туриладиган байрам тантаналарига молиявий ёрдам кўрсатишдан ташқари 8-ўрта таълим мактабини оталиққа олган. Ҳар куни эҳтиёжга қараб 10 литр атрофида сут берилади. Мактабни 2004-2005 ўқув йилига тайёрлаш учун таъмирлаш ишларига 200 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Қишлоқдаги 20 дан зиёд кам таъминланган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилади.

— Яхши ният — ярим давлат эканлиги рост, — дейди Жўра Маҳаматов. — Мана, ўн йил аввал яхши ният билан бошлаган ишимиз хайрли кечиб, ўзимизни ўнглаб олдик, мустақил фермер хўжалиги сифатида шаклландик. Биз танлаган соҳа шундай эканки, киши астойдил киришса, изланса, интилса, иши олға босиб, янги-янги имкониятлар эшиги очилавераркан. Менинг ҳам эртанги кунлардан умидим катта. Қолаверса, ўғлим Алишер ҳам ёнимга кириб қолди. Ҳозир асосий ёрдамчим — шу. Афтидан, менинг изимдан астойдил борадиганга ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси менга далда бўлиб, янги режалар тузишга ундайди. Кейинги пайтларда ўзимиз етиштираётган гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни ўзимиз қайта ишласак, деган орзу хаёлимдан кетмай қолди. Хусусан, кунига бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цех қуриш ниятим бор. Бу ишга шу йилдан киришмоқчиман. Биз учун синов бўлади бу. Қолган ниятлар ҳам шу синовдан муваффақиятли ўтганимиздан сўнг бирин-кетин рўёбга чиқса ажабмас.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: Жўра Махаматов тажрибали молбоқар Давлат Абилов қарамоғидаги молларни кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Савол беринг, жавоб берамиз

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова жавоб беради:

Тунда ишлашга жалб этишда аёлларга нисбатан қандай чеклашлар белгиланган?

Назира ЎКТАМОВА, Янгийўл.

Меҳнат кодексининг 228-моддасига биноан ҳомиладор аёлларни ҳамда ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни тунги сменага фақат уларнинг розилиги билан жалб қилиш мумкин. Аммо, бундай розилик бўлган тақдирда ҳам тунда ишлаш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлиши шарт.

* * *

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган шахслар учун қонун ҳужжатларида қандай ўқув таътиллари назарда тутилган?

Наргиза Исабоева, Чирчиқ.

Умумтаълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар қуйидаги ўқув таътилларини олиш ҳуқуқига эгадирлар:

– битирув имтиҳонларини топшириш учун бериладиган таътил.

– синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини топшириш учун бериладиган таътил.

● *Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

КЎНГИЛ КЎЧАСИДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР

Бугунги кунда ўсмир қизларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ўрни беқиёс ортиб бормоқда. Мукофот жамиятда хотин-қизларимизни маънавий юксалишларида, ижодларини янада сайқаллаб, камол топишларида муҳим омил бўлмоқда. Ана шу юксак мукофот сари интилган қизларимиздан чинозлик ёш шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаева ҳозир тинмай изланишда.

Гулбаҳор 1999 йилда тумандаги ўрта мактабни тугатгач, болаликдаги шеъриятга бўлган ихлосу иқтидорини янада ўткирлаш мақсадида «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошидаги «Қаламкаш» журналистика ўқув курсида таҳсил олди. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева Гулбаҳор ҳақида шундай ёзган эди: «Ёш, умидли шоира Гулбаҳор Ортиқхўжаева ижодини анчадан буён кузатиб келаман. Унинг туйғулари самимий. Кўпроқ инсон руҳиятини ҳамиша янгилаб турадиган, тирикликнинг абадий, унинг бағридаги кишилик умри омонат, ғанимат эканлигини эслатиб турувчи табиат ҳақида ёзади. Бир қарашда Гулбаҳорнинг сатрлари хаёлчанлик, маъюслик суратига ўхшайди. Аммо, бу сурат орқасида яшашга чанқоқ, юртни, одамларни севувчан бир чўғли қалб бор».

Дарҳақиқат, унинг шеърлари худди ўзи каби беғубор, содда. «Бола бошидан» деган гап бор халқимизда. Камол топиб келаётган ёш истеъдодларни кўрганда, беихтиёр бу нақл қанчалар тўғри айтилганига амин бўлади киши. Гулбаҳор ўзининг илк шеърларини ёзганида ҳали мактаб ўқувчиси эди. Мурғак қалбидан чиқаётган сатрларни қоғозга туширар экан, ўзидаги ҳис-ҳаяжон туйғуларини яшира олмасди.

У «Болалигим» шеърида болалик, ёшлик даврининг шўх-шодон дамларини ёдга олар экан:

Ўтди, мана,
ўшал пошшолик дамлар,
Мени қаторига қўшди
одамлар.
Беғам дамларим ҳам
айтдилар — хайр,
Чорлар мени энди
ўзга оламлар.

Ўзга оламларда
ўзга одамлар —
Дуч келади менга,
яхши биламан.
Кексаликда ёлғиз
қолмаслик учун,
Сени юрагимда
сақлаб қоламан.

— деб якунлайди фикрини.

Ёш шоира истеъдодли ёшларнинг Зоминда 2003 йили бўлиб ўтган ижодий анжуманида иштирок этди. Мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилган ишлардан бири бўлмиш бу

анъанавий тадбир ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади. Бунда рамзий маъно бор, албатта. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахт ҳамда вилоятлардан энг истеъдодли ёш шоиралар, ижодкор ёшлар иштирок этадилар. Гулбаҳорнинг бу анжуманда қатнашиши унинг шеърият оламида янги-янги ижод намуналарини яратишига асос солди. Шоирлик масъулиятини англаб етди. Сатрларида янги-янги маънолар, гўзал ташбеҳлар пайдо бўлди. У шоирликка хос журъат билан шеърият оламига кириб келди.

Унинг ҳар бир янги ижоди туман, вилоят, республика нашрларида чоп этилди. Шу боис Гулбаҳор газетхон билан ошно бўла бошлади. Дилидаги орзу-ниятлари, армонлари, она-Ватан ҳақидаги қарашларини, туйғуларини қоғозга нафислик билан битди. Ундаги юқори истеъдодни кўра билган Ўзбекистон халқ шоираларидан Ойдин Хожиева, Ҳалима Худойбердиева ҳамда вилоятимизнинг ўткир қаламкашларидан шоир Маҳмуд Тоировнинг тавсияларини олган Гулбаҳор Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган Олий адабиёт курсида 2 йил давомида таҳсил олди. Шеър битиш техникасини мукаммал ўзлаштирди.

Гулбаҳорнинг ижоди ушбу курс машғулотларидан кейин ўзгача руҳ, янги қараш билан бойиди. Шеърларининг савияси бутунлай ўзгарди. Бадиий руҳни ҳис этадиган шоирага айланди.

Ёш шоиранинг шеърларини ўқир экансиз, унинг бу йўлга шунчаки ҳавас ёки шон-шуҳратга эришиш, ҳаммага танилиш истагида қадам қўймаганлигини ҳис этасиз. Унинг сатрлари сокин, вазмин эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Шу боис Олий адабиёт курсини аъло баҳолар билан тамомлади.

Гулбаҳор Ортиқхўжаева фаолиятини 2002 йилдан «Чиноз ҳаёти» газетасида бошлаб, ҳозир шу газетанинг хатлар ва оммавий ишлар бўлимини бошқармоқда. Унинг адабиёт соҳасидаги ижод намуналари ғоявий-бадиий жиҳатдан пишиқлиги, дунёқарашининг ўзига хослиги, бугунги воқеликда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни тасдиқлашга қаратилганлиги, шунингдек, оригинал бадиий-эстетик изланишлари юқори баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг республика босқичида иштирок этишга йўл очди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг сейсмология институти олимлари «Атроф-муҳит мониторинги муаммолари ечимини топиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш» мавзуида йирик тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Илмий муассасанинг «Сейсмотектоника», «Минтақа-муҳандислик биологияси» каби лабораторияларининг самарали изланишлари натижасида сейсмологик районлаштиришнинг методик усуллари ишлаб чиқилди. Сейсмоген минтақалар йўриқномасига асосланган сейсмотектоник усуллар таклиф қилинди. Шу асосда Тошкентолди сейсмик районлаштириш харитаси тузилди.

Шунингдек, муҳандислик-геологик шароитлар бўйича Тошкент вилоятининг геодинамик полигони учун сейсмик «балл»ни баҳолашга хизмат қиладиган тавсия тайёрланди.



Чорвоқ сув омбори остидаги ер қатламига сув босимининг таъсири тавсифланди. Сув омбори ёнбағридаги тоғ жинслар тўпламларининг ҳаракат чизмаси ҳамда кучланиш ўқларининг диаграммалари тузилди.

Бундан ташқари, муҳандислик-геологик омилларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудуди учун дастлабки сейсмик кучланишнинг ўзгариши харитаси устида иш олиб борилди. Бажарилган тадқиқот натижалари Паркент туманига тақдим этилди. Ушбу изланиш тумандаги Навбаҳор қўрғонида юз бераётган зоҳланиш ва ерости сув сатҳи кўтарилиши сабабларини аниқлашда қўл келади.

Акбар АЛИЕВ.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Автотранспорт воситаси русуми	Бошланғич нархи	Кимошди савдоси ўтказиладиган жой	Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт
«ГАЗ-САЗ-3507»	400000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	03.03.2005 йил куни соат 10.00
«ГАЗ-5204»	300000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	03.03.2005 йил куни соат 10.00

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархидан келиб чиққан ҳолда 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда дастлабки тўловни туман суд ижрочилари бўлинмасининг АТ «Пахтабанк»нинг Пскент туман бўлимидаги МФО: 00472, ИНН: 201122997, 20204000500101008102 сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади.

Маълумот учун манзил: Тошкент вилояти, Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси. **Телефон:** 8-254-52-132.

ШАСТРИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳинд халқининг атоқли фарзанди, Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатларимиз ўртасида қадимдан қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари истиқлолимиздан сўнг янгича мазмун касб этганлигини таъкидладилар. Бунда икки мамлакат раҳбарлари имзолаган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда ҳинд элининг фидойи ўғлони хотираси эъзозланиб, мактаб ва кўчаларга унинг номи берилган, пойтахтимизда Шастри ҳайкали қад ростлаб турибди.

Тадбирда Ҳиндистоннинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабҳарвал иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ

9-12 февраль кунлари Олмалиқ шаҳрида турон якка кураши бўйича бўлиб ўтадиган Республика биринчилигига саралаш мусобақалари давом этмоқда.

Тошкент туманида бўлиб ўтган баҳсларда ҳам 1989-90 ва 1994-95 йилларда туғилган элликка яқин ўсмир иштирок этди. 11 нафар ёш турончилар республика мусобақаларига йўлланма олдилар.

Ғолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Рустам НЕЪМАТОВ.

ЭЪТИРОФ

Олий режиссура курсини тугатиб, Муқимий номли театрда диплом спектаклини қўйишга тўғри келди-ю, Дилмурод Узоқов деган иқтидорли актёримиз билан саҳна деган муқаддас даргоҳда яқиндан танишдим. Унинг дунёқараши кенглиги, меҳнаткашлиги, куй, мусиқа, қўшиққа ўзгача меҳри борлигини англадим.

Дилмуроднинг дардли ички дунёси менга маъқул бўлди. Санъаткорни қўйлатувчи, саҳнада ёниб фиғон чекиши унинг ички дунёсига боғлиқ. Мен саҳналаштирмоқчи бўлган «Осмоннинг бағри кенг» мусиқали драмада бош қаҳрамон Жамшид образини ҳеч иккиланмай, Дилмурод Узоқовга бердим. Бастакор Ойдин Абдуллаевани театрга таклиф қилиб, унинг овозига мослаб қўшиқлар ёздирдим.

Драматург Салоҳиддин Сирожиддинов янада кучлироқ, янада дардлироқ, жўшқин монологлар ёзиб берди. Иш қизғин тус олганда, дам олиш кунларимизда ҳам театрга келиб ишладик. Кўп ва хўп ижодий тортишувларни бошимиздан ўтказдик.

Дилмурод Муқимий номли театрга ўзининг жозибали файзу таровати билан кириб келди. Жамоа уни катта умид билан ўз бағрига олди. Малакали мусиқий билимга эга бўлган ёш хонанда тезда театр репертуаридаги спектаклларнинг бош қаҳрамонлари образини яратишга жалб қилинди. Театр раҳбарлари, режиссёрлари, уста актёрларнинг назарига тушди. Бош қаҳрамон образини ҳамма ҳам яратавермайди. Лекин Дилмурод, қатор мусиқали драмаларда, комедияларда, турфа хил образлар галереясини яратдики, унинг ижодига эътибор қаратган санъат даргалари ҳам холис тан берганликларини изҳор этишди. Дилмуроднинг энг яхши хислатларидан бири — ҳар қандай ишга ўта масъулият билан берилиб ёндошади. Бирор ролга киришдими, тамом — шу ролнинг муваффақиятли ижросига эришмай қўймайди. У ўта тиришқоқ йигит.

Жамшид образи жуда мураккаб. Етим бола. Ташландиқ бола. Ўғри бола. Ҳатто, отаонаси кимлигини ҳам билмайди. Тасодифан она меҳрига дуч келиши болакайни ўзгартириб юборади. Ёлғиз она уни ўз бағрига олади. Умрида уни ҳеч ким одам ҳисобида кўрмаган бир пайтда, боласидан жудо бўлган ёлғиз онанинг назарига тушади. Авваллари кўниколмай юрган болакай, кейинчалик онага ўрганади. Онажон, мен онажонимни топдим, дейди. Ҳаётнинг қизиқлигини қарангки, эндигина она-бола бир-бирларини топган маҳал, болақайга, сигир ўғрисисан, деб туҳмат қилишади. Пулдорлар уни эгиб олмоқчи бўлишади. Шунда Жамшид: «Ерда ҳақиқат йўқ, она. Ерингиз тор. Мана ис-боти... Осмонларга кетгим келяпти, онажон. Осмоннинг бағри кенг», дея нола қилади.

Мутахассислар томонидан Дилмурод Узоқов ижроси аъло баҳоланди. Ҳам актёр, ҳам режиссёр, ҳам инсон сифатида айтмоқчиманки, Дилмурод Узоқов ҳар томонлама ўз фикрига эга актёр, ўз овозига эга хонанда, файзли ижро услубига эга санъаткор. Яхшигина оила бошлиғи. Самимий ва садоқатли дўст. Жуфт-ҳалолига вафоли. Уч нафар ширин-дан-шакар фарзандларга ота.

Муқимий номидаги мусиқали драма театрида аллақачон ўз ўрнини топган санъаткор Дилмурод Узоқов ҳали ижод майдонида янги-янги, оҳори тўкилмаган образлари билан мухлисларни хушнуд этиши шубҳасиз.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ТДСИ катта ўқитувчиси.

● *Шеърият*

ВАТАН

Шу ерда туғилдим, ризқимни тердим,
Заминим — бунёдкор, заминим — ҳотам.
Унга мен ҳам меҳрим, умримни бердим,
Ватан — яратгучим, Ватандир отам.

Қадрдон гўшамдир, ўлан тўшагим,
Азиз тупроғим — шу, кулба — кошонам,
Бағрида эркалаб, шодмон яшагум,
Ватан — меҳрибоним, Ватандир онам.

Ғамга ботса ёнди, эзилди юрак,
Камолин кўрганда яйради кўнгил.
Мен унга керакмас, у менга керак,
У — менинг мунисим, Ватандир синглим.

Бир куни қалбимни безади севги,
Ишқ-муҳаббатга айланди борим.
Ўзига шайдолар айлади мени,
Ватан ўша дилдор, Ватандир ёрим.

Сўлим қишлоқларим кўчаларида,
Чопқиллаб ўйнадим, ундиму ўсдим.
Ўтмишим яшайди тенгдошларимда,
Ватан менга дилдош, Ватандир дўстим.

Эй ўғил, сўрасанг сен: «Нима — деб, — Ватан?»
Гар мурғак дилингда бу туйғу мубҳам.
Фарзандман, дўсту ёр, қадрдон — яктан,
Ўғлим, сенинг учун Ватанман мен ҳам.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

ТЎЙ БОШЛАЙДИ ЎЗБЕГИМ

Қирқ қулоқли қозонда, ош дамлатиб азонда,
Айтиб неча созанда, тўй бошлайди ўзбегим.

Қўй, улоқлар сўйдириб, ноз-неъматлар қўйдириб,
Меҳмонларни тўйдириб, тўй бошлайди ўзбегим.

Кўнгли оппоқ қордайин, қаторларда нордайин,
Кўзи чўғли сордайин, тўй бошлайди ўзбегим.

Томда карнай чалдириб, бахшиларни толдириб,
Душманларни ёндириб, тўй бошлайди ўзбегим.

Кўпкари, кураш бериб, йиғинларга зеб бериб,
Полвонлар кўкрак кериб, тўй бошлайди ўзбегим.

Куйланади ёр-ёрлар, лапар, ўлан, алёрлар,
Жаранглатиб дуторлар, тўй бошлайди ўзбегим.

Тўй устига тўйлар боз, қиш бўлса-да кўнгил ёз,
Меҳнатдан тиниб бир оз, тўй бошлайди ўзбегим.

Оқсоқоллар қўл очиб, чеҳралардан нур сочиб,
Келажакка юз очиб, тўй бошлайди ўзбегим.

Дориломон замонда, тўй-базм чор томонда,
Озод Ўзбекистонда тўй бошлайди ўзбегим!

Алижон АЗИМОВ.

ҚУЁШ ИБРАТИ

Яна бир нурафшон тонг отди такрор,
Яна қуёш кулиб, заррин нур сочди.
Яна бир гўзал кун бошланди, янги, —
Ёруғликдан замин чиройин очди.

Тирик жон уйқудан уйғонди яна,
Қушлар чуғурлашиб сайрай бошлади.
Ҳаёт ташвишини қилган ҳар одам,
Тириклик қўйида қадам ташлади.

Кун ўтиб боради сездирмай секин,
Қуёш борлиққа нур сочишдан толмас.
Кимдир мамнун боқса сахий қуёшга,
Кимдир бу ҳолатни назарга илмас.

Менинг хаёлимни тортади қуёш,
Сахийликдан сабоқ берганга ўхшар.
Эзгулик нурини сочса ҳар инсон,
Қуёш каби ёруғ юз билан яшар!

Яйра ҚУДРАТ қизи,
Оҳангарон тумани.

■ Ҳар тўғрида ■

ОНАЛИКНИНГ... КЕЧИ ЙЎҚ

Румин аёли Андриана Илиеску бепуштликдан азият чекиб, узоқ вақт даволанди. Ниҳоят, шифокорларнинг ёрдами билан 67 ёшида оналик бахтига муяссар бўлди. Қизиғи шундаки, у бир йўла эгизак туғди. Аммо етти ойлик бўлган чақалоқларнинг иккинчисини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Ҳозиргача бу соҳадаги рекорд эгаси Ҳиндистонда истиқомат қилувчи Сатябаме Махаппарат исмли аёл ҳисобланарди. У 65 ёшида она бўлган эди, деб ёзади «Труд» газетаси.

УМР треста «Узбекгидроэнергострой» доводит до сведения всех заинтересованных лиц, что на основании Приказа Госкомимущества РУз. № 130-к ПО от 30.09.2004 г. оно преобразовано в дочернее предприятие «Механизациялашган шилар бошкармаси», к которому переходят все права и обязанности преобразованного юридического лица. **Наш адрес:** г.Ташкент, ул. Навои, 22.

УПТК треста «Узбекгидроэнергострой» доводит до сведения всех заинтересованных лиц, что на основании Приказа Госкомимущества РУз. № 130-к ПО от 30.09.2004 г. оно преобразовано в дочернее предприятие «Energoqurilish Butlash», к которому переходят все права и обязанности преобразованного юридического лица. **Наш адрес:** 700011, г.Ташкент, ул. Навои, 22.

● *Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинг!*

Оқибати аянчли бўлди

Ўткир ака ўғли Жамшиднинг «Эртага военкоматга бориб, тиббий кўрикдан ўтар эканмиз. Бизни аскар бўлиш учун рўйхатга олишар экан» деган гапидан хурсанд бўлди. «Ўғлим йигит бўлиб қолибди» деб ич-ичидан суюнди. Ўша куни Қибрай туманидаги 29-умумтаълим мактабининг юқори синф ўғил болалари туман мудофаа ишлари бўлимига бориб, тиббий кўрикдан ўтишди.

Натижалари яхши чиқиб, уч-тўрт кундан кейин ҳарбий рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги гувоҳномаларни олиб кетишларини мудофаа бўлимидагилар айтишгандан сўнг болалар уйларига тарқашди.

Жамшид дўстлари билан белгиланган кунда яна мудофаа ишлари бўлимига отланди. Об-ҳаво бироз совуқ, шивалаб ёмғир ҳам ёғиб турарди. Тошкент-Чирчиқ автойўли доимгидек серқатнов. Машиналар ғиз этиб у ёққа, ғиз этиб бу ёққа ўтар, кети узилмасди. Болалар ўқитувчилари билан кетаётганларига қарамай, катта йўлни тартибсиз кесиб ўта бошлашди. Устозлари уларни тартибга чақирмади. Улар кетидан бораётган Жамшидни Икром Бекжонов ўзининг шахсий автомашинасида уриб юборди. Натижада Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғида яшовчи, 16 ёшга ҳам тўлиб улгурмаган, Жамшид Хаитбоев марказий касалхонада вафот этди.

Шу ерда бир савол туғилиши табиий. Ким айбдор? Ахир ҳайдовчи қоидани бузмаган.

— Чирчиқ шаҳрига ўз юмушларим билан кетаётган эдим, — дейди Жамшидни уриб юборган машина ҳайдовчиси Икром Бекжонов. — Катта йўлни болалар биринкетин кесиб ўта бошладилар. Машинани секинлатдим. Шу пайт йўл четида бир бола турганди. Хаёлимда мени кўрди деб ўйлаб, йўлимда давом этдим. Афсуски, масофа яқин қолганда у югуриб йўлга чиқиб қолди. Тормозни босдим, фойдаси бўлмади. Болалар кўпчилик эди. Бу ерда ўқитувчи йўлга чиқиб, ҳаракатни бирозга тўхтатиб, ўқувчиларни ўтказиб юборса бўларди, — дея афсусланди у.

— Ҳайдовчи тўғри гапирди, — деди вилоят ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори Исроилхўжа Сайдикаримов. — Айни кунларда йўловчилар билан содир бўлаётган деярли барча автоҳалокатларда йўловчилар қоидани бузишмоқда. Чунки, фуқароларимиз кўпинча марказий йўлларни мумкин бўлмаган жойлардан кесиб ўтадилар. Айниқса, мактаб ўқувчилари бу қоидаларни билишмайди. Дастлаб йўлдан чап томонга қараб ўтиш ўрнига ўнг томонга қарайдилар. Ёки машина билан ораларидаги масофа яқин қолганида ҳам ўтиб кетишга уринадилар. Одам уриб юборган ҳайдовчи эса айбдор бўлиб қолаверади ва жавобгарликка ҳам тортилади. Оқибатда ҳайдовчининг оиласи ҳам жабр кўради. Мактаб ўқитувчилари ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини чуқурроқ ўргатишлари керак.

Аксарият ота-оналар болалари мактабга кетаётганида: «Йўлларни кесиб ўтаётганингда эҳтиёт бўлгин, машиналар ўтиб кетишини кутиб тур», — деб огоҳлантирмайдилар. Ҳатто, фарзандлари қачон мактабга бориб, қачон қайтишини ҳам билмайдилар. Ахир, мана шу фарзандларимиз учун, уларнинг келажаги учун яшаймиз, ишлаймиз, тирикчилик қиламиз. Шунинг учун аввал болаларимиз хавфсизлигини таъминлашимиз зарур.

Суратда кўриб турганингиздек вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари доимо фавқулодда ҳолатларга тайёр туриб, керакли топшириқларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиладилар.

Ҳар бир сония ғанимат

Бир ташкилотга машинада бориб, иш билан ичкарига кириб кетдингиз-у, қайтиб чиқсангиз, уловингиз йўқ. Нима қиласиз? Албатта, оҳ-воҳ қилиб, ички ишлар идораларига бош урасиз. Улар эса керакли хабарни олгандан сўнг дарҳол ҳудудлардаги ички ишлар идораларининг ахборот-диспетчерлик марказларига хабар берадилар.

Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг ахборот-диспетчерлик марказига ҳам турли хабарлар келиб туради. Уларни зудлик билан жойларга узатиш эса марказ ходимларининг зиммасида.

— Вилоятимизда бир-нечта йўл-патрул хизмати масканлари бор, — дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг ахборот-диспетчерлик маркази бошлиғи Холмат Саидалиев. — Бундан ташқари 4 та отряд серқатнов йўналишларда фаолият олиб боради. Улар орқали бизга маълумотлар келиб тушади. Марказ ходимлари уларни ўрганиб, керакли жойларга юборадилар. Кўпинча шаҳардан турли тезкор хабарлар келади. Дарҳол барча масканларга узатамиз. Бундай хабарлар узоғи билан бир ярим дақиқада чекка жойлардаги ходимларимизга ҳам етиб боради. Масалан, Бўка туманида бирон шахс автоҳалокат содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетди, дейлик. Биз бу хабарни қўшни туманларнинг ЙПХ масканларига зудлик билан етказамиз. Ҳайдовчининг қочиб кетиш ҳолатлари кўпроқ одам уриб юборилганида содир бўлади. Бу вақтда бир сония ҳам катта роль ўйнайди. Шунингдек, кечқурунлари машина ўғирланганлиги ҳақидаги хабар келиб тушса, барча ЙПХ масканлари оёққа турғазилади. Чунки, автоулов қўшни республикага чиқиб кетса, уни топиш мушкуллашади. Шунинг учун узатилган ҳар бир хабарни марказ тезда таҳлил этиб, керакли жойларга зудлик билан юборади.

Бу жиноят бўйича тузилган тезкор гуруҳ гувоҳлардан жиноятчи «КамАЗ» юк машинасининг ҳайдовчиси эканлигини аниқлаб, қидирув ишларини бошлади. Шаҳарда рўйхатда турган мавжуд барча «КамАЗ» юк машиналари бирма-бир кўздан кечириб чиқилди. Уч кун деганда Ангрен АТЕКга тегишли бўлган машинада автоҳалокат белгилари аниқланди. Гувоҳларга кўрсатилганда ҳақиқатдан ҳам шу юк машинаси Баҳодир Йўлдошевни уриб юборганлиги тасдиқланди.

Шаҳардаги Бегибурд кўчасида яшовчи Матазим Мирзаабдуллаев гувоҳларнинг келтирган далилларини инкор эта олмай, айбини бўйнига олди.

«Қочоқ» ушланди

Бўка тумани Хожиматов номли ширкат хўжалиги ҳудудида велосипед миниб кетаётган Умид Тўлаевни номаълум машина уриб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Тезкор қидирув ишлари натижасида «қочоқ» Чиноз туманидаги Олмазор қўрғони, Самарқанд кўчаси, 36-уйда яшовчи Фахриддин Раҳматов эканлиги аниқланди.

Ҳайриятки, жабрланувчи ҳаёти сақлаб қолинди.

Бузоқнинг югургани...

Ангрен шаҳрида автоҳалокат содир этилганлиги ҳақида йўл-патрул хизмати ходимларига хабар келди. Янгиобод қўрғони, Улуғбек кўчасида йўл четида турган шахсни юк автомобили уриб юборган. Ҳайдовчи қочиб кетганлигини маълум қилишди. Жабрланувчи Баҳодир Йўлдошев воқеа жойида вафот этган.

Мақолаларни вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Камолиддин АСҚАРОВ тайёрладилар.

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

Энг ишончли, арзон уяли алоқа системаси Тошкент вилоятида.

Телефонларни сотиб олиш, улаш, ойлик бадалларни тўлаш вилоят шаҳарларида амалга оширилади:

- Тўйтепа ш. Учқун к., 1-уй, тел. 21594,
- Пскент ш. А.Темур к. 15-уй, тел. 52070
- Бўка ш. Ўзбекистон к. 15-уй, тел. 35997
- Оққўрғон ш. Охунбобоев к. 4-уй, тел. 22152

«Белк» ЛТД фирмаси, «Перфектум Мобайл» расмий дилери, тел. 1260789, 3000789, 1280789

«Video-Maniya» МЧЖга тегишли йўқолган муҳр ва ҳужжатларни мукофот эвазига қайтаришингизни сўраймиз. Т. 21-29-09.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йил 24 октябрда Султонходжаев Саидолим Саидазимович номига уй-жойга эгалик қилиш учун 13-03/1237 рақами билан берилган мувақкат далолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

5-сонли Бизнес мактаб томонидан 2002 йилда Уматова Феруза номига берилган КНМ 043490 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошкентсувқурилиш» бирлашмаси «ЧЕРМЕТ» акциядорлик компанияси билан бириктирилиши муносабати билан **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, К. Ёрматов кўчаси, 14-уйда қабул қилинади. (ОКПО 16930221).

«Тошкентсувқурилиш» бирлашмасининг амалдаги думалоқ муҳри ва бурчак штампи «Чермет» акциядорлик жамияти билан бириктирилиши муносабати билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Республика Электротехника тиббиёт техникуми томонидан 1999 йилда Мирзукурова Ирода Мирзахматовна номига берилган, 352261 сонли, 12731 рақами билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДП «AL-VAFO» Яккасарайского района г. Ташкента (код ОКПО 17298357) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления по адресу: ул. А. Каххара, 46.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-145. Адади 7509. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15. 2 3 4 5 6